

ХОРИЖДАГИ ҚУРОЛЛИ ТЎҚНАШУВЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШ ТУШУНЧАСИ ВА МАЗКУР МУАММОНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ.

Абдумуталибов Абдулхай Икромжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавсизлиги университети, “Жиноят қонунчилигини қўллаш назарияси ва амалиёти” - йўналиши магистратура талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14543314>

Аннотация. Бугунги мураккаб даврда дунёнинг турли бурчакларида сиёсий беқарорликлар тез-тез содир бўлиши одатий ҳолга айланди. Буларнинг ортида давлатлар ёки айрим гуруҳлар манфаатлари туради. Шу манфаатларни ҳимоя қилиш учун томонларнинг фуқоролари ўз вазифасини адо этиш учун жанг майдонларига кирадилар.

Аммо ўз манфаатлари йўлида ўзига даҳлдор бўлмаган мамлакат томонидан жангга кирувчилар, ўзга давлат қуроли кучлари сафига ёлланаётганлар ҳам афсуски йўқ эмас. Уларнинг мақсадлари одатда бойлик ортириш, моддий ёки бошқа шахсий манфаатлар бўлади. Бу эса кўплаб давлатларда қонуни тақиқланган.

Калит сўзлар: Қуроли тўқнашувлар, нокомбатантлар, ёлланиш, протокол, ҳарбий асирлар, ижтимоий зарурат.

ПОНЯТИЕ УЧАСТИЯ В ВООРУЖЕННЫХ КОНФЛИКТАХ ЗА РУБЕЖОМ И СОЦИАЛЬНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ ИЗУЧЕНИЯ ЭТОЙ ПРОБЛЕМЫ.

Аннотация. В сегодняшние сложные времена политическая нестабильность стала обычным явлением в различных частях мира. За ними стоят интересы государств или определенных групп. Чтобы защитить эти интересы, граждане сторон выходят на поля сражений, чтобы выполнить свой долг. Но, к сожалению, есть и те, кого вербуют в ряды вооруженных сил других стран, которые вступают в войну ради собственных интересов.

Их целью обычно является получение богатства, материальной или другой личной выгоды. Во многих странах это запрещено законом.

Ключевые слова: Вооруженные конфликты, некомбатанты, вербовка, протокол, военнопленные, социальная потребность.

THE CONCEPT OF PARTICIPATION IN ARMED CONFLICTS ABROAD AND THE SOCIAL NEED TO STUDY THIS PROBLEM.

Abstract. In today's complex era, political instability has become commonplace in various corners of the world. Behind these events lie the interests of states or certain groups. To protect these interests, citizens of the involved parties enter battlefields to fulfill their duties. However, unfortunately, there are also those who engage in combat on behalf of countries unrelated to them, driven by their own interests, or who are recruited into the armed forces of foreign states. Their

goals are usually to accumulate wealth or pursue material or other personal interests. This practice is legally prohibited in many countries.

Key words: Armed conflicts, non-combatants, mercenerism, protocol, prisoners of war, social necessity.

Кириш. XXI асрда дунёдаги қуроли тўқнашувлар сони камайиб, тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши кутилаётган бир пайтда, аксинча дунёнинг айрим нуқталарида содир бўлаётган қуроли тўқнашувлар бошқа давлат фуқороларини ҳам ўз домига тортмоқда. Бунинг асосий кўринишларидан бири – қуроли тўқнашувларда қатнашчи сифатида ёлланишдир. Бу муаммо нафақат халқаро сиёсатда, балки ижтимоий ҳаётда ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Инсоният қадим – қадимдан ўз манфатларини ҳимоя қилиб ёки аксинча ўз манфаатини бировникидан устун қўйиб жанг майдонларига киришган.

Ёлланиш – бу жуда кўплаб давлатлар қонунчилигида жиноят сифатида қабул қилинган. Албатта бу муаммо Ўрта Осиё мамлакатларини ҳам четлаб ўтмаябди. Қайси минтақада уруш бўлса бу минтақадаги барча давлатларга иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан таъсир этмай қолмайди.

Ҳозирги кунда бир нечта қайноқ нуқталар мавдуд бўлиб регион жиҳатдан Россия ва Украина ўртасидаги қуроли тўқнашув энг яқини ва энг катта таъсир кўрсатаётгани. Бунинг ортидан минтақадаги давлатларнинг фуқаролари ҳам турли йўл ва сабаблар билан бу қуроли тўқнашувлар иштирокчисига айланиб қолмоқдалар. Бу иштирокчиликнинг асосий қисми албатта “ёлланма жангчи”лик кўринишида бўлмоқда. Ёлланиш тарихи антик даврларга борниб тақалади. Фақат, уни жиноят сифатида талқин қилиниш турли давлатларда турли даврларга тўғри келади. Қуроли тўқнашувларда ва фуқаролар урушларида ёлланма аскарлардан фойдаланиш кўп асрлик ҳодисадир. Бироқ, фақат сўнгги йиллардагина халқаро ҳамжамият бу амалиётни жиловлашга ҳаракат қилмоқда. Бу муаммога халқаро миқёсда қизиқиш бир қатор омиллар билан боғлиқ бўлиб, улардан энг кўзга кўринганлари Конго ва Ангола фуқаролар урушлари пайтида ёлланма аскарларнинг фаолияти ва мустақил Ангола ҳукумати ўрнатилгандан сўнг Луанда шаҳрида Ангола фуқаролар урушида қатнашган ёлланма аскарларнинг судланиши эди.¹ Вақт ўтиши билан ёлланиш жиноятини ўрганиш муаммоси жаҳон ҳамжамиятини эътиборини торта бошлади.

Муҳокама ва натижалар. Ёлланиш жинояти Ўзбекистон Республикасида ҳам халқаро ҳуқуқда ҳам жиноят сифатида эътироф этилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 154 – моддасида “Ёлланиш, яъни низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки

¹ MERCENARIES AND INTERNATIONAL LAW. Marie-France Major*

ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган ёхуд назорат қилиниб турган низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамайдиган ёки ҳеч қандай давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати берилмаган шахснинг моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон шахсий манфаатни кўзлаб, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуролли тўқнашувда ёхуд ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёлланиши — беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.”² этиб қатъий белгилаб қўйилган. Афсуски сўнгги йиллар ушбу модда билан кўплаб Ўзбекистон фуқоролари жиноий жавобгарликка тортилди. Бу ҳаммаси 2022 – йилнинг февралда бошланган Россия ва Украина ўртасида бошланган қуролли тўқнашув туфайли бошланди.

Шу сабабли уруш майдонларига қўшимча кучларни жалб қилиш учун турли моддий рағбатлантиришларни ваъда қилган ҳолда ташвиқотлар қилинди. Ўша йилнинг 28 – феврал кунида Адлия вазирлигининг «Ҳукукий ахборот» каналида Ўзбекистон фуқароларининг чет давлатлар ҳарбийлашган ва куч ишлатар тузилмаларига хизматга ёлланиши жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши эслатилди. Бунга сабаб чел эл ОАВларида уруш майдонларида Ўрта Осиё фуқароларига ҳам дуч келинаётганлиги тўғрисида хабарлар бот – бот чиқа бошлади. Бу албатта биринчи навбатда Республикамизни халқаро майдонда обрўсига путур етказса, кейинги ўринларда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётига ҳам салбий таъсир ўтказди. Ўша даврдан бошлаб кўплаб фуқароларимиз юртимизга ёки жароҳатланиб, ёки ногирон ҳолда қайтдилар ва уларга қонунда белгиланган тарзда жавобгарлик белгиланди. Ҳаттоки айримлар қайтмадилар жанг майдонларида ўзга юрт манфаати учун ҳалок бўлдилар. Огоҳлантиришларга қарамай бу ҳолатлар ҳамон давом этмоқда. Бунга бир қанча омиллар сабаб бўлмоқда. Қатнашчиларнинг асосий қисми ишчи мигрантлар эканлиги ҳисобга олинса улар турли сабаблар билан Россия Федерацияси қонунлари бўйича жавобгарликка тортилмоқдалар ва жавобгарликдан қутилиш чораси сифатида қўлга қурол олган ҳолда сафарбарлик шартномаси тузиш орқали жангга кириш таклиф қилинмоқда. Албатта танганинг иккинчи тарафи ҳам бор. Айрим ҳамюртларимиз моддий манфаат ва бошқа давлат фуқоролигини қўлга киритиш учун Россия Федерацияси армиясига ўз ихтиёрлари билан қўшилмоқдалар. Фақатгина яраланиб, хизматга яроқсиз бўлиб қолганларидан сўнг давлатимизга қайтиб келмоқдалар. Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонаси фуқароларни бир неча бор ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмасликка чақирди: дипломатик ваколатхона Жиноят кодекси 154-моддасига кўра «ёлланиш» - хорижий давлат ҳудудидаги қуролли тўқнашувларда ёки ҳарбий ҳаракатларда қонунга ҳилоф равишда қатнашиш жиноят ҳисобланиши, ушбу ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарлик ўн

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, УМУМИЙ ҚИСМ, 01.04.1995

йилгача озодликдан маҳрум қилишни назарда тутишини эслатиб ўтган.³ Халқаро ҳуқуқда 1977 – йили Дипломатик конференцияда Женева конвенцияларига 1 - сонли Қўшимча протокол қабул қилинган. Протоколнинг 47 – моддасида “ёлланма жангчи” тушунчасига батафсил таъриф берилган. “1.Ёлланма аскар жангчи ёки ҳарбий асир мақомига эга бўлиш ҳуқуқига эга эмас.

2. Қуйидаги шахс ёлланма аскар ҳисобланади:

- (а) қуролли можарода иштирок этиш учун маҳаллий ёки чет элда махсус ёлланган бўлса;
- (б) амалда жанг ҳаракатларида бевосита иштирок этса;
- (с) асосан шахсий манфаатни кўзлаб жанг ҳаракатларида қатнашишга ундаса ва аслида, можаронинг бир Томони томонидан ёки унинг номидан, ушбу Томон қуролли кучларидаги ўхшаш лавозим ва вазифаларни бажарувчи жангчиларга ваъда қилинган ёки тўланадиган мукофотдан сезиларли даражада ортиқ моддий мукофот ваъда қилинган бўлса;
- (д) можародаги Томонлардан бирининг фуқароси ҳам, можародаги Томон назоратидаги ҳудуднинг резиденти ҳам бўлмаса;
- (е) можародаги Томонлардан бирининг қуролли кучлари аъзоси бўлмаса; ва
- (ф) можарода иштирок этмаётган давлат томонидан ўз қуролли кучлари аъзоси сифатида расмий вазифани бажариш учун юборилмаган бўлса.

4

Қўриниб турибдики бу ерда алоҳида белги моддий ва шахсий манфаат ҳисобланади.

Хулоса. Тўпланган маълумотлардан хулоса қилинадиган бўлса “ёлланиш” жиноятини ўрганишнинг ижтимоий зарурати жуда катта. Ёлланиш жиноятининг асосий қурбонлари - бу ёш, тажрибасиз ва молиявий қийинчиликка учраган одамлар бўлиб, улар ўзларининг ҳаёти ва саломатлигини хавф остига қўядилар. Ёлланиш жиноятининг оқибатлари одамларни ҳаётдан олиб кетиши, соғлигини бутун умрга йўқотиши, уй-жойларидан маҳрум бўлиши ва руҳий таъсирларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари давлатлар ўртасидаги дипломатик муносабатларга ҳам жиддий зарар етказиб, сиёсий ва иқтисодий беқарорликка олиб келади. Буни олдини олиш мақсадида биринчи навбатда фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини ошириш лозим. Кейинги ўринларда бу жиноят учун оптималлаштирилган санкция тизимини яратиш талаб этилади. Ёлланиш жиноятини содир этаётганларни асосий қисмини ишчи мигрантлар содир этаётганларини ҳисобга олсак, бошқа ҳорижий давлатлар билан қонуний ва ишончли бўлган меҳнат қилиш

³ <http://www.uzembassy.ru/news/19464?language=uz>

⁴ Protocol Additional to the Geneva Conventions of 12 August 1949, and relating to the Protection of Victims of International Armed Conflicts (Protocol I), 8 June 1977. Article 47 - Mercenaries
<https://ihl-databases.icrc.org/en/ihl-treaties/api-1977/article-47?activeTab=>

имкониятларини яратиш бўйича шартномалар тузиш лозим. Умуман олганда ушбу муаммони эътиборсиз қолдириш кўплаб салбқй оқибатларга олиб келади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, УМУМИЙ ҚИСМ, 01.04.1995
2. International Armed Conflicts (Protocol I), 8 June 1977
3. GENEVA CONVENTION RELATIVE TO THE PROTECTION OF CIVILIAN PERSONS IN TIME OF WAR OF 12 AUGUST 1949

Интернет манзиллар:

4. <https://lex.uz/docs/111453>
5. <http://www.uzembassy.ru/news/19464?language=uz>
6. <https://ihl-databases.icrc.org/en/ihl-treaties/api-1977/article-47?activeTab>
7. <https://sud.uz/plenum/documents-criminal/>
8. <https://old.sud.uz>
9. library@unesco.org

Илмий мақолалар

10. MERCENARIES AND INTERNATIONAL LAW. *Marie-France Major**
11. Comparative Analysis of Mercenary Activities in International Documents and Criminal Acts Criminalizing Warfare Abroad in the Criminal Code of the Republic of Serbia, Ana Mutavdžić1, Submitted: 2023-02-01 • Accepted: 2023-06-18 • Published: 2023-06-30
12. История наемников: от рабовладельческих времен до Нового времени https://istorium.net/istoriya-naemnicov-ot-rabovladelcheskih-vremen-do-sovremennosti/#google_vignette
13. Военное наёмничество: особенности возрождения в XXI веке, Золотарёв П. С.: Институт США и Канады РАН Российская Федерация, Москва